



Артиллерия разведчикилари кузатиш пунктида «душман»нинг техникаси ва кучини аниқлашга ҳаракат қилишяпти. Улар берадиган маълумотлари жангчиларга жуда зарур. Суратда: аълочи радиотелефончи комсомол аъзоси Мурод Рамазовов.

В. Дубровченко фотоси.

СОВЕТ АРМИЯСИ



жасорат, тарбия,
маҳорат мактаби

АЪЛОЧИ РОТА

«Н» қисмидаги коммунист, старший лейтенант Риваз Виченов командирлик қилаётган рота жангчилари Совет Куролли Кучларининг 50 йиллиги тўйини муносиб кутиб олиш ниятида янги маршларни кўзламоқдалар. Солдатлар муваффақиятга фақат кунт билан ишлагани, ўқиб, ўрганиш туфайлигина эришиш муминлигини яхши билишадди. Улар шунинг учун ҳам ҳарбий билимларини ошириш билан бирга техникани мукиммал ўрганишга ҳаракат қилишяпти. Қисм командири буйруғи билан ротага «Аълочи рота» деб ном берилди. Солдатлар бундай фахрли номга қандай қилиб муносиб бўлишди?

Ротанинг шахсий состави юксак маъбуриятларни қабул қилар экан, уни баъжариш осон эмаслигини яхши биларди. Солдатлардан ҳарбий билимлар аввалги пайтларга қараганда қаттиқроқ талаб билан сўралади. Янги қонун бўйича хизмат қилиш муддати қисқарди, бироқ ҳарбий таълим программаси аввалгича қолди. Бу номандирлардан ҳар бир машғулоти юқори савийда ўтказиш, ҳар соатдан унумли фойдаланишни талаб қилади. Айни пайтда машғулоти солдатлар ўртасида ўзаро мусобақага айланиши ҳам лозим. Офицер ва сержантлар жангчиларнинг ҳар бир машғулотидаги ҳаракатини кузатиб бориш керак. Қолонлар билан қўшимча машғулоти ўтказиб, уларни илгорлар сафига қўйиш туфайлигина аълочи бўлишлар қаторидан ўрин олиши мумкин. Бир солдатнинг хатоси ҳамма учун сабоқ бўлгандагина ва нелазимда бунга йўл қўйилмагандагина муваффақиятга эришса бўлади. Мана, бир мисол. Оддий солдат Агапов автоматдан мўлжални нишонга оловмасди. Унинг ўқлари ҳаммиша тоа кетарди. Агапов туфайли бўлимида нишонини шикастлаш машғулоти бўйича бошқа бўлимлардан оқда ноларди. Нима қилиш керак? Оқда, қолоқ нолми билан йера бериш керакми?

Бўлимининг бошқа солдатлари «қолоқ» деган номин эктиришмасди. Агаповнинг эса парвойи-палаи эди. Дўстлари унга бир неча бор маслаҳат беришди, лекин у қўлоққа олмади. Агапов билан номандирнинг ўзи шуруллашишга ҳажбур бўлди. Р. Виченов жуда кўп вақтларини Агапов билан отиш жойида ўтказди. Номандир шогирдининг хатосини яхши тушунириб берган бўлса ҳам, Агапов машини ҳамон тугри бажаролмасди.

Агар айтганларимга ривож қилмайдиган бўлсанг нишонини шикастлай олмайсан,— дедил Р. Виченов.— Мана, менга қара, ҳаракатини диққат билан кузат. Автоматни тугри ушла, тепнини босаётганда нафас олма, ҳаммадан ҳам ўзингни эркин тут.

Оддий солдат Агапов ўстази айтганини такрорлади. Бу сафар унинг уч марта кетма-кет узган ўқининг фақат биттаси нишонга тегади.

Кунлар кетидан кунлар ўта берди. Командир билан оддий солдат Агапов машқ қилишдан чарчамади. Ниҳоят дўстлари юзини шивит қилиб юрган нечаги қолоқ Агапов аълочилиқ сафидан ўрин олди.

Рота солдатлари ҳар бир машғулоти, номандирнинг топиригини қандай баъжаришларини ўзларича таҳлил қилиб боришадди. Сўнгра номандир бешқаларга ҳар томонлама намуна бўлган солдатлар исми ва фамилиясини тилга олиб бошқаларни улардан ўрнак олишга қатъиярди. Қамчилларга йўл қўйган солдатларга дўстона маслаҳат беради, хатоларини нўрсатади. Бўлимида, вазов ва нўқсат рота солдатлари ўртасидаги ўзаро мусобақага вақти-вақти билан ақун лсаб туриларди.

Комсомол аъзолари Шернат Шоймардонов ва Дмитрий Дубов, сержант Парчев Сафармобитовлар пулемётдан ўқ отишда моҳир мерган ҳисобланишадди. Номандир ана шу уч аълочи ўртасида ҳам мусобақа уюштирди. Ротанинг бутун шахсий состави эса ўстамерганларнинг ҳаракатини кузатиб турди. Моҳир мерганлар фақат нишонини аниқ шикастлаш билан чекланиб қолмишди, уларнинг ҳар бири солдатларга қандай қилиб ана шундай ютуққа эришганини сўзлаб берди. Турли машқларини баъжариш усулларини нўрсатиб беришди. Бу албатта ротанинг ҳамма солдатларига фойда келтирди.

Ротада ҳар икки солдатнинг бири аълочи, ҳамма жангчилар разрядли спортчилардир. Р. Виченов командирлик қилаётган бу аълочи рота ҳамма соҳа бўйича—отиш, сийсий машғулоти, жисмоний машғулоти, юриш бўйича аъло олиб келаяпти. Солдатлар «энг яхши бўлимига учун» бериладиган вимпелни ва юксак жисмоний тайёргарлик учун таъсис этилган қисмининг Кубогини қўда сақлаб келаяпти.

Ф. ЛОБЗИН,
подполковник



Оддий жангчи Ортиқ Холиқов Ватан оқдаги хизматини аъло даражада ўталяпти. Бу йилги жанговар ва сийсий тайёргарлик аълочилиқ ҳисобланади. Командирнинг ҳар қандай буйруқларини ҳаммиша қўйил-дадик бажареди. Суратда: О. Холиқов.

В. Крохмалюк фотоси.

БҲУНГИ машғулоти тоғ ёнбағрида ўтказилди. Тўп расчёти коммунист старший сержант Махмуд Фозиев раҳбарлигида назарий билимларини амалда сибаб қўришяпти. Суратда: артиллериячилар жанговар позицияни ўағартиришяпти.

В. Дубровченко фотоси.



Ч И Н И Қ И Ш

Танкдромдаги жанговар машиналар ҳаракатга келди. Оғир танклар чап-тузон кўтариб, теълигини ошириб олдинга илдамлаб кетди.

Машғулоти раҳбарининг командасидан кейин комсомол аъзоси Мавлон Носиров оғир люкни ёлди. Олдинда минадан халос қилинган тор йўлга яққол кўришиб турарди.

Бундан бир неча кун муқаддам Мавлон танкни ҳайдаш бўйича имтиҳон топириганди. Бугун эса яна бир жиндий синов кутляпти уни. Жангчи ўшанда қанчалик ҳаяжонланганини билсангиз эди. Ахир, ундан тажрибали механик-ҳайдовчилар имтиҳон олишяпти. Бунинг устига Мавлон айрим механик-ҳайдовчилар унга ишонқирамай қараганини эслаб яна ваҳимага тушди.

М. Носиров командирлари ва дўстларидан ҳафа бўлмай, бўш бўлди, дегунча дарсликларини кўлга олиб ўқиб, машқ қиларди. У техникани севиб қолганига анча бўлган. Армияга хизматга қақрилуғига қадар ҳунар билан юртида ўқиди. Тошкент «Ўзбексельмаш» заводидан моторларни йиғувчи бўлиб ишлади. Бу касби унга армияда жуда қўл келди. Мавлон қисқа вақт ичида танкни ўқиди. Унинг ўқиди. Жангчи бўлиб шунчалек тез ва аниқ бажарардики, командир ҳаммиша ундан хурсанд бўлар ва дўстларига ўрнак қилиб кўрсатарди.

М. Носиров танк ақлақининг ўқовчи бўлиб қолганини истамасди. У оғир ва бақувват танкни ўз ичига солишни истарди. Бу ниятини командирига айтди. Илгор механик-ҳайдовчилар ҳаракатини кузатиб бор-

ди. Ҳаммадан ҳам танкнинг электр жиҳозларининг ўрганишда қийнади. Читаллашиб кетган юзлаб симларнинг қайси бири қандай вазифа бажаришини аниқлаб олиш мушкул бўлди. Айниқса у механик-ҳайдовчи сержант Сандовга тинчлик бермади. Бирор нарсани қийнаиб қолса дарров унга мурожаат қилаверди.

Гиттаранинг хизмати нимада? Фракционни қандай бошқариш керак? — савол устига савол берадиган жангчи.

Оддий жангчи М. Носировни бир кун танк ричаги олдида кўрсатди, ўртаси кўп далада машқ устида, индинга тайкдорнинг отиш жойида учратасди. Кўнларнинг бирини ротада бир механик—отпусекага кетганида, унинг ўринини М. Носиров эгалладди.

Яқинда танкни машинани бошқариш ва материал қисмларини бўйича топириган имтиҳон учун командирлар унга «аъло» баҳо қўйишди. Шикастланган транки—алмаштиришда жуда чақонлик ва аниқ ҳаракат қилиб, тенгдошлари ва командирини хайратда қолдирди. Танкни ҳайдашда яна ўзини кўрсатди.

Аниқ ва тугри ҳаракат қилипти. — деди жанговар машина ҳаракатини кузатиб турган тажрибали механиклардан бири.

Меннинг шогирдимда, ўстазидан қолшармиди, — ҳазил қилди младший сержант Абдуманнон Сандов.

М. Носировнинг бугунги имтиҳондан «аъло» баҳо олишида фақат А. Сандовнинггина эмас, балки младший сержант В. Гинюшенов, оддий жангчи В. Рошков ва бошқаларнинг ҳам

ҳиссаси бор. Агар А. Сандов Мавлонга танк қисмларининг тузилишини ўргатган бўлса, В. Гинюшенов ҳайдаш қондаларини, В. Рошков эса машинанинг электр жиҳозларининг тушунирди.

Жанговар машиналар ҳаммаёқни ларага келтириб, олдинга интиляпти. Мана, биринчи тўсиқ. Миша қўмилган жойдан жуда эҳтиёткорлик билан ўтиш керак. Агар ҳийл хато қилдингми, тамом, ҳаммаси барбод бўлади. Механик-ҳайдовчи жанговар машқ учун ёмон баҳо олади. Агар уруш пайтида шундай хатога йўл қўйса борми... Бунини жангчилар ҳам, биринчи бор бундай жанговар вазифани бажаришда қатнашган М. Носиров ҳам яхши тушунади.

Танклар бирин-кетин тор йўлдан ўтиб кетишди. Навбат М. Носировга келди. У йўл-нага 10—15 метр қолганда танкни тўсиқ ўртасига тўғриллади. Тезликин пасайтирди.

Ҳажонли секундлар. Бир... икки... уч... Мана, тўсиқ оқда қолди. М. Носиров ялангликка чиқиб яна тезликин оширди. Сўнгра эса иккинчи, учинчи тўсиқлардан ҳам шикастенг ўтди. У бошқарган танк жанговар позицияга етиб келганда дўстлари уни биринчи ютуқ билан табриқлашди. М. Носиров учинчи класс—механик-ҳайдовчиси тувоҳиомасига имтиҳон топириди.

Бу — жанговар ва сийсий тайёргарлик аълочилиқ, комсомол аъзоси Мавлон Носировнинг иккинчи касбидир. Механик-ҳайдовчи М. Носиров Совет Армиясининг 50 йиллик шонли байрамига дўстлари билан қатта тайёргарлик кўрпиди. У Куролли Кучларимизнинг ярим асрлик тўйини жанговар техникани мукиммал ўзлаштирган ва ҳарбий билиминини оширган ҳолда кутиб олиш ниятида.

Капитан В. КРОХМАЛЮК.

МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИДА

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи кенг жамоатчилик ўртасида катта эътибор топяпти. Ҳар кун музейини 400—500 киши келиб томоша қилади. Булар асосан студентлар, мактаб ўқувчилари, турли шаҳар ва республикалардан келган туристлар.

Совет Армиясининг 50 йиллиги яқинлашиб келаятган ҳозирги кунда мамлакатимиз Куролли Кучлари тарихининг қаҳрамонлик саҳифаларидан ҳикоя қилувчи заллар эскурсантлар диққатини айниқса ўзига тортмоқда. Музейга келувчилар республикамиз шонли шўҳратини оширган қаҳрамонларнинг жасадларини ҳақида батафсил маълумотлар олишга қатъиярди.

Томошабинлар генерал Со бир Раҳимов портрети қарши-сида узоқ вақт туриб қолмишди. Стендада ўзбек генералига жасурлиги учун совға қилинган кумуш дастали қилич осилган. Унинг ёнбасида бир неча еридан ўқ тешиб ўтган ва қонга бўялган калта пўстини. Генерал Раҳимов улуғ ғалаба бўсағасида ана шу пўстинда ҳалок бўлган эди.

Музейга ўзбек жангчиларининг Ватан уруши фронтларидан кўрсатган қаҳрамонликларини ҳақида ҳикоя қилувчи янги-янги материаллар келиб турибди. Булар — хатлар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатлардир. Улардан кўплари яқин кўнларда эскурсантларга кўрсатилади.



РАКЕТАЧИЛАР СССР Куролли Кучларининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш ниятида ҳарбий билимларини ошироқдалар. Суратда: ракетачилар ўқув машғулотида. ТАСС фотохроникаси.

ЖАНГЧИ — ҚУШИҚЧИ

Обиджон Островский номидаги пионерлар саройининг музика тўғрисида иштирок эта бошлаганида ўн уч ёшда эди. Ашула айташга бўлган иштиқоқ уни шу ерга бошлаб келган эди.

Пионерлар саройида, шунингдек Охунбобоев номи шаҳар маданият уйида бу ҳушовоз ўспирин рубоб чалишни ўрганди, қўшиқ айтиш сирларини эгаллай бошлади.

Марҳум халқ хофиз Жўраҳон Султонов билан бўлган учрашуви Обиджоннинг ёдидан сира чиқмайди. Ушанда машҳур хофиз бу иштиқоқни уйига олиб кириб, ашула айтдириб кўрди.

Овозинг чакси эмас,—деганда ушанда Жўраҳон ака.—Лекин ашула айтиш учун фақат овозинг ўзи етишмайди. Халқ хофизларимиз ҳаммиша халқ санъатини яхши билганлар, ундан ўрганганлар. Кишилар қалбига қўшиқ билан йўл топиш осон гал эмас. Бунинг учун улар қалбини яхши билишнинг керак.

Ўстаз санъаткорнинг бу сўзлари Обиджонга катта таъсир қил-

ди. Унинг санъатга бўлган мухаббаты янада ортиди. Халқимизнинг қадимдан айтилиб келаятган қўшиқларини, музикаларини кунт билан ўрганишга киришди.

10-синфни тугатгандан сўнг у ўзи ўқиган мактабда музикадан дарс бера бошлади. Кейин Охунбобоев номи медицина билим юртида ўқиган йилларида ҳам ашула айтишини қўймади.

Шундан сўнг армияда хизмат қиллари бошланди.

Бунини қарангки, — дейди Обиджоннинг ўзи,—армияда қўшиқ шинавандаларига эмас, балки уни айтишга эър иштиқоқ қўйган тенкурларим ҳам кўп экан. Кўп ўтмай улар билан тил топишиб олдик. Ефрейтор С. Комолов ва оддий солдат Б. Шодиев рубобни анча яхши чалишар экан. А. Набиев эса ашула айтишнинг ҳам дуруст биларкан. Ҳамидов эса доирани жуда ўринлатади. Узимиз кичкина ансамбль тўзиб олдик.

Ҳозирги кунда Обиджон Умаров бошчилигидаги бу ансамбль ўз қисмидагина эмас, балки бош-

ДЎСТИМ ҲАҚИДА

Теварак-атроф қоронғи. Ўт очиб маррасида турди машиналарнинг овозлари эшитилди. «Жангта тайёргарлик» деган команда ҳам янгради. «Душман» танкларини шиддат билан олдинга бостириб келарди. Янгитлар ўзларини йўқотиб қўйишмади. Танклар яқинроқ келганда, кетма-кет аниқ зарба билан шикастландилар. Машқ командир айтганидек қилиб бажарилди. Бунда оддий солдат Н. Раҳмонбердиевнинг ҳам улуши бор.

Нурмат ҳарбий хизматга кел-

ган дастлабки кезлари жуда қийналди. Лекин дўстлари ёрдамида, абақлиги ва тиришқоқлиги туфайли кўп ўтмай жанговар ва сийсий тайёргарлик аълочилиқ каторидан ўрин олди. Ҳозир Н. Раҳмонбердиев қисиминида эг намунали, иштиқоқли бошқаларга ўрнак бўлаётган солдатлардан саналади. Аълочи жангчи тажрибали дўстларидан аймайди, ўргатади, ўрганади.

С. РАСУЛОВ,
оддий солдат.

қа жойларда ҳам маълум ва машҳур бўлиб қолди. Улар ўзбек жангчилари учун неча ўнлаб концерт беришди. Айни вақтда, музикани, қўшиқчилик санъатини кунт билан ўрганишяпти улар.

Обиджон Умаров Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига бағишланган хаваскорлар фестивалида биринчи даражали диплом олиб келди. Ансамбль ҳам худди шундай муқофотга сазовор бўлди.

Обиджон халқ қўшиқларини айниқса севади. У «Дугоҳ», «Мубтало қилма», «Ҳариз», «Танавор» сингари қўшиқларини жон-дили билан айтади. Ҳозирги вақтда у ўз ансамбли билан Совет Армиясининг шонли 50 йиллик байрамига тайёргарлик кўрпиди. Янги қўшиқлар ўрганишни, Ҳадемай ансамблининг янги программаларидаги концерт ҳарбий қисмларда баралла янграйди.

Обиджон ҳали ёш санъеткор. У чинакам санъат қўқиларини эгаллаш учун астойдил интиляпти. Бу йўлда Обиджонга катта сабот тилаймиз. Негаки, ҳақиқий санъат сирлари машаққат ва сабот қилиш билангина очилади.

3. МУҲАММАДЖОНОВ.

Суратда: Обиджон Умаров. А. Абалия фотоси.



ГЕНЕРАЛ РАҲИМОВ ЭКРАНДА

Юртимизда генерал Собир Раҳимов номини эшятмаган одам кам топилмайди. Шонли командир, Улуғ Ватан урушининг қаҳрамони Собир Раҳимов аjoyиб ҳарбий бошлиқ эканлигини жанг майдонларида кўрсатди. У қўмондонлик қилган дивизия фашистларни Польша ва Шарқий Пруссия ерларида яқсон қилди. Европани фашизм босқисидан ҳалос этди. Халқимизнинг асл фарзанди Гданскни озод қилишда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Биринчи ўзбек генералининг аjoyиб ҳаёти

ҳақида «Ўзбекфильм» киностудияси тўла метражли янги бадиий фильм яратди. «Генерал Раҳимов» фильми сценарийини Комил Яшин, И. Луковский ва З. Собитов ёзишган. Фильмни З. Собитов постановка қилган. Картинада генерал Раҳимов ролин таниқли артист Зикир Муҳаммаджонов ўйнаган.

«Генерал Раҳимов» фильми Совет Армиясининг 50 йиллигига бағишланади. Бу фильм яқин кўнларда экранларда намоиш қилинади.



Бу саҳифада Совет Армияси сафларида хизмат қилаётган ҳамшаҳарларимизнинг юбилей арафасидаги жанговар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

ТЕАТР КУНИ

МОСКВА. Ҳар йили 27 мартда Иттифоқимизда халқаро театр кунини ўтказилади. Тошкентда 30 йиллик революциянинг 50 йиллигига бағишланган энг яхши спектакллари кўрсатилади. Бу йилги театр кунини Максим Горький тугилган кунининг 100 йиллигига билан бирга ўтказилади. Театр сахналарида М. Горький асарлари, шунингдек халқаро бадий ҳаваскорлик тўғрисида қўйилган спектакллар намойиш этилади.

ФРАНЦУЗ ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА

Ўзбек халқининг улғу мутафаккири шоири Алишер Навоийнинг бой ижодиёти жаҳонга маълум. Шоирнинг 525 йиллик юбилейи муносабати билан унинг асарлари, унинг ҳақида ёзилган китобларга бўлган қизиқиш таъин ҳам ортди. Яқинда яна бир хушxabарини шоҳиди бўлдик. Севишли давруч Ойбекнинг машҳур «Навоий» романи француз ва инглиз тилларида босиб чиқариладиган бўлибди. Бундан олдин ҳам «Навоий» романи бу тилларда нашр этилган эди.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ЙЎЛГА ЭЪТИБОР—ЭЛГА ЭЪТИБОР

Вустонлидиги Навий кишлоғида бўлганмиш? Сой, адир ва дарёлар охири, яхши ўрмонларини кезганимиз? Баланд чўқирлардан жўшиб оқиб тушадиган жўла ва шалола-ларини кузатганимиз?

Ана шу шифобахш водий чиндан ҳам ҳаётбахш жў. Совет ҳошимиз-ти «Йилларда тоғлиқлар йўли равои, маънавий жў бўлди. Илон эзи бўлиб кетган йўлларда турли автобуслар қатнамоқда. Пойтахтимиз йилгит-қизларининг дам олиш кузлари кўпгина шу шифобахш водий кўчларида ўтинамиз.

Областимизнинг бу гузал жойларида янада яхшироқ фойдаланиш мумкин. Аммо, ўтган йилнинг ноябры ойидан бошлаб Бурчумла билан Навий ўртасидан маршрутда автобус негидир юрмай қолди. Ҳамма

таажжубда. Бу ҳақда тегишли жой-ларга мурожаат қилинди. Аммо, бу масала ҳамон жўмбоқ бўлиб келмоқда. Маҳаллий аҳоли, айниқса ҳозир-ги киши шариғида йўл азобидан қийналмоқда.

Йўлга эътибор — элга эътибор, деган халқ мақоли бор. Нахотки, бунинг Тошкентда автобустининг ўртоқлар (бошқарувчиси ўртоқ В. Хўжаев) тушунамаслар?

Ахир МИРСАНДОВ, 1919 йилдан бери КПСС аъзоси, республика аҳамиятига эга бўлган пенсионер.

Мирзаарҳмон ҲАКИМОВ, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Турсунбой МИРАҲМЕДОВ, Улуғ Ватан уруши инвалиди, пенсионер.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ ЖАМОЛИ



Бундан шинам турар-жой бинолари пойтахтимизнинг кўлаб массивларида тобора кўна буй қўзаяпти. Улар шахримиз ҳуснига ҳусн қўшмоқда. Фотомухбиримиз, А. Абалин «Ц-4» кварталда кад қўраётган янги турар-жой биноларини суратга олди.

СПОРТ

5 УЙИН 5 ҒАЛАБА

СССР — Швеция хоккейчилари учрашуви ҳақида кескин ва қизиқарли ўтди. Ўтган кунги Греноблдаги ўйин ҳам шундай бўлди. Хисобин совет хоккейчилари очди. Лекин кўп ўтмай Швеция хоккейчилари хисобини тегиш-лаштиришди. Ўйиннинг иккинчи ярми нўхотда кескин ўтса ҳам 1:1 хисоб ўзгарибди. Совет спортчилари майдонда уч ки-ши қолганларида ҳам ҳужумни тўхтатмадилар. Учрашувнинг учинчи бўлимида, аввалига Фир-сов, сўнгра Билинов 2 та шайба киритиб командаларни олдинга олиб чиқаришди. Швеция хоккейчи-лари ўйин тугатилган 3 минут қолганда 1 та жавоб шайбаси ки-ритишга муваффақ бўлишди. Қизгин спорт кураши билан ўт-ган бу ўйин СССР терма коман-даси фойдасига 3:2 ҳисобида ту-гачи.

Канада ва Чехословакия хок-кейчилари учрашуви ҳам қизи-қарли бўлди. Канада командаси 3:2 ҳисобида устуни келиб, Чехо-словакия хоккейчиларини биринчи магдубинга учратди.

Бугун совет хоккейчилари Че-хословакия командаси билан уч-рашадилар.

Тўртта пешқадам команданинг бугунгача турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ғ.	Ш.	О.
СССР	5	39—5	10
ЧССР	5	26—11	8
Канада	5	25—10	8
Швеция	5	21—13	8

ҚУМУШ ВА БРОНЗА МЕДАЛЛАРИ

Греноблда бўлаётган Х қишқи Олимпиада ўйинларида Совет спортчиси Галина Кулакова 5 километрга чангида учинчи мар-таба иккинчи бўлиб келди ва ку-муш медал билан тақдирланди. Яна бир спортчимиз Алевтина Колчина эса учинчи ўринни эгал-лади. Унга бронза медали берил-ди. Бу икки спортчимиз терма команدامизга 10 очко олиб бе-ришди.

ИСТИҚБОЛ ЭҒАСИ

ТОЖИХОН ошанинг кўнсада Ленин ордени ордаб турарди. Юсак мукофот билан тақдир-ланиши ошани халқонлангириб юборганди. Шу тобда у қувон-чини тўкиб-сонгиси келарди. Оғиз жуфтларди-ю, гапира ол-масди.

— Мендек бир оддий тар-биячига бу юсак мукофот топи-ширилишини биз ўзбек аёлла-рига нисбатан кўрсатилган катта ғамхўрлик деб биламан, — дея олди, холос.

Унинг кўзлари севинч ёшла-рига тўлди. Одатда, шундай вақтларда киши босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлайди, хотиралар унинг кўз олдида ўта бошлайди.

Тожиқонни онаси мактабга бошлаб бортгани эсида. «Яхши ўқи, ўқитувчиларга қулоқ сол, одобли қиз бўл. Ўқимисан бўлсанг эл-юрт олдида обрў қозонасан» деб пайд-насиҳат қилган ҳали-ҳали эсида.

Тожиқон ўқиманинг биринчи кунинда уйига хурсанд бўлиб қайтди. Ховлига қирғанда да-даси дуч келиб қолди. Қизининг мактабга кирганидан бе-хабар ота:

— Ҳа, мучча қувонмасанг, қара икки юзинг анордек қиза-риб кетибди. Қаердан келяп-сан? — деб саволга тутди.

— Мактабдан!

— Нима, нима дединг? Мак-табдан дейсанми? — отанинг баданни титроқ босди. Жаҳо-лат билан уй ичкариқаси оти-лади:

— Хотин, бу нима қилга-нинг? Ўғлимни розилигисиз ўқитдинг, оқибат нима бўлди? Бизларни ташлаб, Москвага

ЯХШИ ОДАМЛАР ОРАСИДА

жонер, яна бирингиз мастер бў-ласиз, дедилар. Емонми?

Она ўртата тушди. Ўқисин, билимли бўлсин, деб туриб ол-ди.

Йиллар ўтди. Тожиқон мак-табни аъло баҳолар билан ту-гатди. Мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Тожиқонда тар-биячилик касбига меҳр уйғон-ган эди. У катта бўлганимда ёшларни ўқитсам, тарбия бер-сам, ҳаёт сирларини биринчи бўлиб уларга очсам, деб яхши ният қилганди. Бу ният уни Тошкентдаги хотин-қизлар мак-табига олиб келди. «Зебинисо» номи мактаб 1927 йилда та-шиқ этилиб, мактабгача бўлган ёшларни тайёрлаб чиқарувчи

малакали мураббийларга мўл-жалланган эди.

Мактаб маъмурияти номига маориф министридан кўр-сатма келиб, унда кўшми рай-онларда янги мактаб ташкил этиш учун юқори курс талаба-ларининг бир гуруписини юбо-риш кераклиги ҳақида айтил-ган эди. Унга яқин ўқувчи қиз Андиконга отланганди. Улар орасида Тожиқон ҳам бор эди. У бундай хотирлайди:

— Андикон районидидаги Хакан кишлоғига юборилди. Бу ерликларнинг таърифи би-лан айтганда, мактаб очиб, ёшларни ўқитиш ақлга си-майдиغان бир жўмбоқ эди. Биз ана шу «жўмбоқ»ни ҳақиқатга

лиш осон эмаслигини у яхши биларди. Унинг меҳрибон она-си фойдали маслаҳатлар бер-ди.

Тожиқон, опа 1947 йилгача шу институтда директорлик лавосида ишлади. 1948 йил-да институт урушдан олдинги шаклига қайтарилди. Министр-лик Тожиқон ошани ўзи тахсил топан хотин-қизлар билим юр-тига директор қилиб тайинла-ди.

Мана, йигирма йилдирки, Тожиқон Алимова Крупская номидаги республика хотин-қизлар билим юртига раҳбар-лик қилиб келмоқда.

— Бошида билим юртини оёққа қўйишда роса қийинчи-ликларга дуч келдик, — дейди Тожиқон опа, — ўқув хоналар эски, настам бинада жойлаш-ган бўлиб, дарсларни атрофли-ча олиб бориш учун шартон йўқ эди. Районлардан келиб ўқитган хотин-қизлар тош-кентлик студентларнинг уйла-рида яшашарди. Ушундан йил-ла 300—350 тарбиячини егинг-тириб чиқарганимиз, холос.

Эндиликда бу билим дарго-ҳининг номи кенг ёйилган. Ҳар йили бу ерда бир ярим минг мутахассис мураббий ўқимни тугатиб, ҳаётга йў-ланма олишяпти. Тўрт қават-ли ҳашаматли бино, кенг, ёруғ ўқув хоналари, турли лабора-ториялар студентлар хизмати-да. Билим юртини оёққа тур-газишда Тожиқон опа не-не машаққатларни чекмади.

Хурматли педагог ўттиз йил-лик меҳнат фаолиятида билим юртига директорлик қилиши билан кўлаб ёшларни ўқит-ган. Филология фанлари док-тори Н. Маллаев, тарих фан-лари доктори З. Нуриддинов, фалсафа фанлари доктори А. Ортиқов, боғча мудирилариди Эмилла Нариская, Тамара Кравцова, Фарида Мусаева-лар Тожиқон ошанинг қўлида ўқи-ган.

Хукуматимиз олжаноб, меҳ-натпаш одамларни эъзозлайди, уларнинг Ватан ва халқ олди-даги меҳнатларини юсак таъ-дирлайди. Тожиқон опа Ленин ордени билан, республика Олий Совети Президиумининг Ер-лиқлари билан мукофотланган.

Меҳнат инсонни қаритмай-ди, унга ёшлик, бардамлик ҳада этиди. Ўзлик уч ёшли То-жиқон ошанинг қалбида ҳами-ша ёшлик ғайрати жўш уради.

И. ЮСУПОВ.

Реклама Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

(3-канал)

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 17.55 — Эшитти-ришлар программаси. 18.00 — Те-леингиллар. 18.15 — Раси. (Мультифильм). 18.25 — Ренла-ва эълонлар. 18.35 — Цирк ар-тистлари — студиямиз меҳмон-лари.

Ўзбек тилида: 19.05 — Телеинг-иллар. 19.25 — Музикали драма ва комедиялардан парчалар. 20.25 — Ярим аср йилномаси. 1918 йил (телевизион ҳужжатли фильм). 21.30 дан — Москва кўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал).

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 18.00 — Ушун-эшиттиришлар программаси. Азобиёт. М. Горький ҳаёти саҳи-фаларида. 18.40 — Студентлар учун. Немис тилидан 13-машғулот. 19.25 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 21.30 — М. Горь-кий тугилган кунининг 100 йил-лигига оидан. Фома Гордеев (бадий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

(9-канал)

Рус тилида: 20.00 — Даврлар садои (илмий-оммабоп фильм). 20.20 — Тошкент янгиликлари. 20.30 — Япон эстрадаси. Ўзбек тилида: 21.00 — Шафқат-сиз тун (бадий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—15/II да Спар-тан

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/II да Ажлоларнинг, 16/II да Улимдан кучли.

МУКМИНИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/II да Ўғил уйлантириш, 16/II да Гули снх.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Кувноқ арена» коллективни ар-тистларининг Винтор Владимиров раҳбарлигидаги гастроллари. Ви-летлар сотилмоқда.

КЕНО

Уруш ва тинчлик 3-4 серия) — САНҒАТ САРОНИ (кундуз соат 5, кеч 8 да), «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИ-ГИ» (кундуз соат 4 да).

Маллиновда тўй — «ЎЗБЕК-С-ТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кеч-курру).

Энг яхши йиллар — «ЎЗБЕ-КИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСО-МОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кеч-курру).

Йўл ва ҳа — НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кеч-курру).

Жаннатдан кувилган — «ЧАП-КА» (кундуз ва кеч-курру).

«Сатурннинг ҳалокати (1-2 се-рия) — САНҒАТ САРОНИ (ортаб соат 11 да, кундуз 2 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

15, 16, 19 февралда ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИ-СИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Қатнашадилар: Ўзбекистон ССР халқ артисти Кундуз МИРКАРИМОВА

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар:

ЭРҒАШОН МИРҲАМУДОВА, УБАЙДУЛЛА МАДРАХИМОВ, Солистлар: ОЛМАХОН ҲАЙИ-ТОВА, ФАХРИДДИН УМАРОВ, Гулчехра Исмомлова, Шариф Султонов, Роҳатой Маннонова, Жуманов Бойжонов, Раҳман Уминов, Ранаб Исмомов, Раҳима Риҳсоева, Жумабой Бобоев ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар

КАРИМ АЛИЕВ, ГОФИР АЗИМОВ

IV-жаҳон фестивалининг лауреати

АББОС БАҲРОМОВ

Халил Қодиров, Умар Ҳа-ми-дов, Қасим Аъзамов, Отабой Ҳасанов, Ҳодис Юсупов, Гофур Иноғомов.

Программани Бутуниттифоқ театрал фестивалининг лауре-ати

ЗАЙТУНА ТОЖИБОЕВА

олиб боради. Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар кон-церт залы кассасида кундуз со-ат 2 дан, район кассаларида соат 12 дан сотилади.

ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Куйбишев район ошоналар трестининг САВДО-ТАЙЕРЛАШ БАЗАСИ змиғир толасидан тўйилган, фойдаланишдан қолган

СОТАДИ

Муромат учун адрес: Тош-кент шаҳар, 7, Вишннский ку-часи, 54-уй. Телефон Б-629-36.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётнинг босмаханаси. Тошкент шаҳри.

Р. 08913 ИНДЕКС — 64697. № Б — 1800

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ЖАНУБИИ ВЬЕТНАМ: Озодлик армиясининг зенитчилари Америка самолётларига қарата ўт очмоқдалар.

ВИА—ТАСС фотоси.